

Коррупция- тараққиётнинг кушандаси



Тараққиёт йўлига жиддий тўсиқ бўлиб, жамият ривожи, соҳалар юксалишига бевосита таҳдид туғдирадиган асосий иллат бу – коррупциядир.

Коррупция мулкий муносабатлар, фуқаролик жамияти ва демократия институтлари, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот ва иқтисодиёт ривожланишини нафақат секинлаштириб, балки фуқаролар томонидан таълим соҳасидаги ўз конституциявий хуқуқларини рўёбга чиқаришларига ҳам тўсқинлик қиласди. Бундан келиб чиқадики, коррупциянинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салбий таъсири натижасида инвестиция оқимининг камайишига, халқ фаровонлигининг пасайишига ҳамда таълим сифатининг тушиб кетишига олиб келади.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев жуда кўплаб маъруза ва чиқишларида лоқайдлик, бепарволик, порахўрлик, коррупция, сохтакорлик, мансаб ваколатни суистеъмол қилишга қарши қуаш бутун жамиятнинг мақсадига айланиши кераклиги тўғрисида гапирав экан, **“коррупция билан ҳеч қачон мақсадимизга эриша олмаймиз”** дея таъкидлаб, унга қарши курашишни хуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутасаддиларига асосий вазифа сифатида қўяди. Бу иллатни олдини олиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан аҳолининг хуқуқий онги ва хуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, коррупцияга оид хуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашдан иборат устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Тан олиш керакки, коррупциясиз жамиятга бошловчи энг асосий шартлардан бири бу - юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, жамиятдаги коррупцияга нисбатан муросасиз мұхитни шакллантиришdir.

Ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда узлуксиз ва самарали тарғибот билан ақолини қонун ҳужжатларидан хабардор қилиб бориш, уларда қонунга ҳурмат рухини тарбиялаш, үз ҳуқуқ ва бурчларини англатиш орқали шахсни камол топтириш мақсад қилинади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки босқичида капитал қурилиш ва таълим соҳаларининг танланганлиги ҳам бежизга эмас.

Маълумки, бўлажак ҳуқуқшунос кадрларда коррупцияга қарши кураш компетентлигининг замонавий қиёфасини шакллантириш ўқув-тарбиявий жараённинг тегишли шарт-шароитлари ва талабларини тақозо қилади. Бизнингча, ҳуқуқнинг алоҳида соҳаси сифатида Коррупцияга қарши курашиш ҳуқуқи фанини киритишлик ҳуқуқий онгни, шу жумладан, тингловчиларнинг антикоррупциявий дунёқарашини шакллантиришда, мутахасисларнинг бу борадаги узоқ муддатли касбий лаёқатга эга бўлишида, шу билан бирга тингловчиларнинг коррупцияга қарши курашдаги ҳуқуқий компетентлигини оширишда ўзининг ижобий самарасини беради ва бу борадаги барча масалаларни ўзида акс эттириш имкониятини яратади.

Бундан ташқари, ўқув аудиторисида коррупцияга қарши кураши борасидаги ўқув машғулотларини ташкил этишда қуйидаги таълим технологиялари қўлланилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

машғулотни ташкил этишнинг интерфаол шаклларини қўллаш;

Касбий фаолиятга дахлдор турли “иш ўйин”ларини ташкил этиш;

“Ҳаётий воқеалар” асосига қурилган сценарий бўйича видеороликлар яратиш;

у ёки бу вазифаларга қараб, шарт-шароитлари ўзгарадиган ситуациянен масалаларни ҳал этиш ва таҳлил қилиш;

ҳуқуқий коллизияларни биргаликда кўриб чиқиш;

тажрибали ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари билан учрашувлар, тегишли мутахассислар томонидан мастер-класслар ўтказилишини ташкил этиш;

тақдимот материалларидан фойдаланган ҳолда маъруза машғулотларини ўтказиш;

рад этиб бўлмас фактлар, таҳлиллар асосида илмий мақолалар, тезислар, ва илмий-оммабоп материаллар тайёрлаш.

Энг асосийси бу борада **имитацион ўқитиш технологиясини** қўллаш.

Юқоридагилардан келиб ҳулоса қилишимиз мумкинки, санаб ўтилган мазкур технологияларни қўллаш ўзаро коммуникативликни, шахслар ўртасидаги алоқа ва груп ҳамкорлигини таъминлайди, мақсадга йўналтирилган фикрлашни ривожлантиради, касбий фаолиятда антикоррупциявий мотивацияга оид талабларни ўзлаштириш имконини беради. Қизиқарлиги, ижодийлиги жиҳатидан тингловчига нисбатан катта **ҳиссий таъсир кўрсатишини** иноабатга олишимиз лозим.

Сурхондар вилоят суди девонхона катта консультанти М.Маматқориев